

Қ А Р О Р

2025 йил апрель ойининг 23 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг очик сайёр суд мажлиси, “New First School” МЧЖ биносида бўлиб, раислик қилувчи тергов судьяси Д.Валиев, судья ёрдамчиси Ж.Хушбаковнинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 52-моддаси 2-қисми билан 3-1011-2508/2347-сонли маъмурий иш юзасидан:

Тошпўлатов Азамат Рамзиддин ўғли (Toshpo'latov Azamat Ramziddin o'g'li), 2003 йил 9 август куни Жиззах вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам “New First School” МЧЖга қарашли “Мударрис” хусусий мактаб ўқитувчи бўлиб ишлаган, маъмурий жавобгарликка тортилган, Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, Оқбулоқ ҚФЙ, Лолазор кўчаси, 1/1-уйда истиқомат қилувчига

нисбатан бўлган маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

А.Тошпўлатов 2025 йил 4 апрель куни Сирғали тумани, Софдил МФЙ ҳудудида жойлашган “New First School” МЧЖга қарашли “Мударрис” хусусий мактаб биносида, 7-синфда ўқувчи Асқаров Абдуллоҳ Шерали ўғлини танасининг турли жойларига уриб тан жароҳати етказганлиги сабабли, А.Асқаровнинг отаси Ш.Махмудов ИИОга мурожаат қилган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 2025 йил 17 апрелдаги 452-Х-Абдул-сонли хулосасига кўра, А.Асқаров олган тан жароҳати енгил тан жароҳатлар тоифасига киришини кўрсатилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган А.Тошпўлатов ўз кўрсатувида, “Мударрис” хусусий мактабида шахмат бўйича ўқитувчи бўлиб ишлаганлигини, 2025 йил 4 апрель куни мактабда китобхонлик бўйича тадбир бўлганлигини, тадбир давомида А.Асқаров баланд овозда гапирганлиги сабабли, уни бир неча маротаба гапирмаслик ҳақида огоҳлантирганлигини, огоҳлантирилишига қарамасдан баланд овозда гапирганлиги сабабли, бошига урганлигини, шундан сўнг яна гапирганда тадбир бузилмаслиги сабабли, бинонинг бошқа йўлагига олиб бориб, тушунтириш ишларини олиб борганида А.Асқаров пеписандлик билан муносабатда бўлганлигини шундан сўнг А.Асқаровни кўкрак қисмига урганлигини баён қилиб, суддан енгиллик сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган А.Асқаров ўз кўрсатувида 2025 йил 4 апрель куни мактабида тадбир бўлганлигини, ушбу тадбирда



қатнашиш мажбурий бўлмаганлигини, қўшимча дарси бўлганлиги сабабли, зинадан кўтарилиб кетаётганда, синфдошининг укасини тоби қочиб қолганлиги сабабли, синфдоши тадбирда қатнашаётганлигини кўрганлигини ва синфдошига бориб укасини тоби қочиб қолганлигини айтаётганда, ўқитувчиси А.Тошпўлатов уни бошига муштлаб урганлигини, яна гапирганда, уни йўлакка олиб бориб, танасининг турли жойларига уриб ташлаганлигини, шундан сўнг уйига борганда мазаси бўлмаганлигини, ота-онаси шифохонага олиб борганлигини, шифохонада ётиб даволанганлигини баён қилиб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида Ш.Махмудов, фарзанди А.Асқаров “Мударрис” хусусий мактабида ўқишлигини, 2025 йил 4 апрель куни ўқитувчиси А.Тошпўлатов уни танасининг турли жойларига уриб тан жароҳати етказганлигини, фарзандини шифохонага олиб борганлигини, хусусий клиникада тиббий кўрикдан ўтказганлигини, 1-сонли Болалар клиник шифохонасида даволанганлигини маълум қилиб, А.Тошпўлатовга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Б.Абдуллаев Республика Суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент шаҳар филиалида шифокор бўлиб ишлашлигини, 2025 йил 17 апрелдаги хулосаси, барча тиббий муассасаларнинг ташхислари ҳамда касаллик тарихига асосан, А.Асқаров олган тан жароҳатлари енгил тан жароҳатлари тоифасига қришлиги ҳақида тўхтамга келганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Суд, А.Тошпўлатовнинг айблари ишдаги билдирги, тушунтириш хатлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомалари ва бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топган, А.Тошпўлатовнинг “қасддан енгил тан жароҳати етказиш”да ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 52-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, А.Тошпўлатовга жазо тайинлашда унинг шахсини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига риоя қилган ҳолда унга нисбатан айбланаётган модда санкциясида кўрсатилган жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 1, 245, 309, 310, 311-моддаларига амал қилиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Тошпўлатов Азамат Рамзиддин ўғли (Toshpo'latov Azamat Ramziddin o'g'li) Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 52-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб



топилсин ва унга шу модда билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) баравари, яъни 1.500.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Қарордан норози томон ўн кун ичида шикоят бериш ёки протест келтириши, апелляция тартибида шикоят бериш муддати ўтгач, суднинг қарори чиқарилган кундан эътиборан олти ой ичида юқори турувчи судга кассация тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Д.Валиев

Нусхаси аслига тўғри:

Ҳужжат имзоланган: Валиев Дилмурод Убайдуллаевич, 23.04.2025

